

0.23.

# ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ



# О‘ЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЙОТИ

4 / 2016

## МУНДАРИЖА

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида .....	3
Ш.Сирожиiddинов. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича малакали мутахассислар тайёрлашнинг янги тамойиллари .....	8
Н.Маҳмудов. Тил сиёсати ва сиёсат тили .....	16
М.Жўраев. Фундаментал тадқиқотлар истиқболи .....	29

### Ўзбек филологияси мустақиллик даврида

У.Ҳамдамов. Истиқлол даври ўзбек адабиётига бир назар .....	36
А.Мадрвалиев, Ё.Одилов. Ўзбек тилшунослиги мустақиллик йилларида .....	47

### Адабиётшунослик

Т.Мирзаев, Ш.Турдимов. Етук фольклоршунос .....	53
Ж.Мирзаев. “Гуруғли” дostonининг қиёсий ўрганилиши масалалари .....	58

### Тилшунослик

Ҳ.Болтабоев. “Девону луғотит турк”нинг илк таржимони .....	65
Д.Анданиёзова. Бадиий матннинг ономастик қўлами .....	70

### Илмий ахборот

М.Тожиҳўжаев. Ўзбек тили ва адабиётининг Ғарбдаги тадқиқотчиси .....	78
Ш.Ҳасанова. “Лисон ут-тайр” ва “Қуш тили” дostonларида муштарак мотивлар .....	82
Д.Зоҳидова. Ҳазиний шеърятининг вазн хусусиятлари .....	86
Н.Холматова. Самарбону шеърятини .....	90
Л.Шарипова. Адабий топишмоқлар ҳақида .....	93
Д.Раҳимова. Поэтик тилда муаллиф “мен”ининг акс этиши .....	97
Ҳ.Нусратова. Туркум ҳикояларнинг баъзи ўзига хосликлари .....	102
Ф.Бурҳонова. Ҳикояда реалистик ифода ва мажозий тасвир .....	106
М.Абдиев. Ветеринария терминлари ҳақида .....	108
Н.Абдуллаева. Юкломанинг семантик функциялари хусусиятлари .....	113

### Фанимиз заҳматкашлари

А.Мадрвалиев, А.Мусаев, Т.Кучқоров. Бозорбой Ўринбоев .....	118
Н.Улуқов. Носиржон Охунов .....	121
Ҳ.Ҳомидий. Латифхон Халилов .....	124
А.Эшонбобоев. Қодиржон Эргашев .....	128

**РЕЗЮМЕ.** Мақолада Самарбону ижоди таҳлилга тортилиб, шеърларининг мавзу қўлами ва образлар оламини тадқиқ этиш орқали унинг маҳоратли шоира эканлигини асослаб беришга ҳаракат қилинади.

**РЕЗЮМЕ.** В статье анализируется творчество Самарбону, раскрывается мастерство поэтессы с помощью исследования тематического охвата стихотворений и системы образов.

**RESUME.** The article analyzes the work Samarbonu and disclosed poetess skills through the study of the scope of the poems and images of the system.

**Таянч сўз ва иборалар:** шеърят, бадийят, жанр, маснавий, ғазал, рубой, издошлик, гоё, мазмун, лирик қаҳрамон.

**Ключевые слова и выражения:** поэзия, художественность, жанр, месневи, газель, рубаи, следование, идея, содержание, лирический герой.

**Key words and word expressions:** poetry, art, genre, mesnevi, gazel, rubai, consecution, idea, content, lyrical hero.

Лайло ШАРИПОВА

## АДАБИЙ ТОПИШМОҚЛАР ҲАҚИДА

Халқ топишмоқлари бадийий жиҳатдан мукаммал, улар асрлар давомида сайқал топиб келганлиги маълум. З.Хусайнова ёзганидек: “Топишмоқлар инсон, ижтимоий ҳаёт ва табиат ҳодисалари билан боғланган бўлиб, ҳамма вақт реал заминга асосланади. Унда атрофимизни ўраб турган моддий дунёдаги турли нарсалар акс этади. Ҳар бир топишмоқ ўзига хос шакл ва мазмунга эга бўлган мустақил бир асардир. Унда фалсафий, тарихий, этнографик белгилар, тушунчалар, ҳодисаларнинг моҳияти ниҳоятда гўзал образли ифодалар билан акс эттирилади”<sup>1</sup>. Халқ топишмоқлари одатда қисқа, аммо яширинган белги-хусусиятларни ўта аниқ беради ва аксарият ҳолларда катталарга ҳам, болаларга ҳам тушунарлилиги билан қадрлидир:

Ош ичида тош,  
Тош ичида ош<sup>2</sup>.

XX асрга келиб халқ топишмоқларидан нафақат халқ педагогикасида, балки мактаб таълимида ҳам фойдалана бошладилар. Шунинг учун бўлса керак, болалар шоирлари топишмоқ ёза бошладилар. Ёзма топишмоқларни халқ топишмоқларидан фарқлаш учун “адабий топишмоқлар” дейилиши маъқул.

Адабий топишмоқлар яратишда шоирлар халқ топишмоқларига таянганлари аниқ. Ғафур Ғуломнинг “Буни топинг, қизларим” номли тўрт бандли шеъри тўрт нарсани ўзида яширган тўрт топишмоқдан иборат. Унда сифатлаш, ташбеҳ, ташхис қўлланган. Нарсанинг белгиси аниқ, равшан, барчага тушунарли тарзда ифодаланган:

– Маржон-маржон юмалок,  
Япроқлари шапалоқ.  
Қора, қизил, сариқ, оқ,  
Еб кўрмасдан ўйлаб боқ,  
Сен айт, Мамлакат қизим?

<sup>1</sup> Хусайнова З. Сўзбоши // Ўйлаб топ. Тошкент: Фан, 1993. 3-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб. 57-бет

– Буми, дадавой? Узум<sup>3</sup>.

Ғ.Ғуломнинг ютуғи шундаки, топишмоқда ундалма сифатида берилган исмаар болаларни эркалаб, ардоқлаб айтилган, айнаи дамда топишмоқ жавоби шу сўзга оҳангдошдир. Энди халқ топишмоғига диққат қилинг:

Маржон-маржон юмалоқ,  
Япроқлари шапалоқ.  
Қора, қизил, сариқ, оқ,  
Еб кўрмасдан ўйлаб топ<sup>4</sup>.

Савол туғилади: шоир халқ топишмоғини тазмин сифатида айнан келтирдими ёки шоирнинг адабий топишмоғи халқ ичида ўзлашиб кетиб, қайта ёзиб олинди? Шоирнинг қолган топишмоқлари ҳам оригиналлиги, оҳанги равонлиги, беркитилган нарса белгиларининг аниқ берилгани билан эътиборга лойиқ:

– Малла тукли, сап-сариқ,  
Мураббоси мазалиқ,  
Паловга босса бўлар,  
Подвалга осса бўлар,  
Тишлаб кўриб, айт, Меҳри,  
– Буми, дадавой? Беҳи<sup>5</sup>.

Пўлат Мўмин Ғ.Ғулом анъанасини давом эттириб, кўплаб топишмоқлар яратди. Унинг биргина китобига 30 та топишмоқ киритилган. Бу адабий топишмоқларнинг асосий қисми саккизлик шаклида ёзилган. Уларнинг ўзбек болалар шеърлятида тутган ўрни шундаки, болаларнинг маънавий-маърифий таълим-тарбияси йўлида хизмат қилиб, болалар адабий топишмоқчилиги равнақига ҳисса бўлиб қўшила олган. Муҳими, уларда янги нарса-ҳодисаларнинг белги ва хусусиятлари яширилган:

Бир нарса бор хўп қизиқ,	Ёнса йўқдир тутуни,
Нур сочса бўлар иссиқ.	Ҳамма севади уни.
На пилик бор, на мойи,	У эгадир зўр кучга,
Уйнинг ўртаси – жойи.	Уйнинг номи... <sup>6</sup>

Ғ.Ғулом адабий топишмоқларидаги каби П.Мўмин яратган топишмоқларда ҳам ўқувчи учун энгиллик бор. Охирги мисрадан олдинги сатр қофияси топишмоқ жавобини айтиш имкониятини беради. Ундаги шундай сўз “кучга” бўлиб, топишмоқ жавоби – лампочка. Ўқувчи адабий топишмоқнинг сўнги сатрига жавобни қўйиб айтса, вазн бузилмайди. Чунки шоир охирги сатр вазнини топишмоқ жавоби билан мослай олган. Шу мосликнинг ўзи ҳам ўқувчига топишмоқ жавобини топишда кўмаклашади.

Ғ.Ғулом топишмоқларининг оҳанги равон, бадияти гўзал. Аммо П.Мўминнинг 30 та топишмоғи ичида шундай баҳога муносиблари билан бирга оҳанги равон бўлмаганлари ҳам бор. Бу ўша нарсанинг номи ва белгиларининг кўплиги билан ҳам боғлиқ:

<sup>3</sup> Ғ у л о м Ғ. Мукамал асарлар тўплами. Ўн икки жилдлик. 3-жилд. Шеърлар (1954–1966). Тошкент: Фан, 1984. 179-бет.

<sup>4</sup> Уйлаб топ. 59-бет.

<sup>5</sup> Ғ у л о м Ғ. Кўрсатилган асар. 179-бет.

<sup>6</sup> М ў м и н П. Одоб ва офтоб (Шеърлар. Қушиқлар. Достон ва балладалар. Эртақлар. Топишмоқлар). Тошкент: Ёш гвардия, 1972. 373-бет.

Резинка унинг таги,  
Кўпинча юрар секин,  
Пайт келса экар экин.  
Сув ичади керагида,  
Олов ёнар юрагида.

Ҳўкиз эмас, ерни ҳайдар,  
Барча унга раҳмат айтар.  
Унинг иши жуда ҳам зўр,  
Биласизми, бу ...

Этибор қилсангиз, топишмоқнинг қофияланиши а-а-а; б-б; в-в; г-г тарзидаки, бу шеър бандини белгилашни қийинлаштиради, аммо шоир нарса хусусиятларини бериш мақсадида шу ҳолатни юзага келтирган. Шеър вазни эса икки хил: уч мисраси етти ҳижоли, олти мисраси саккиз ҳижоли. Яширин нарсанинг ерни ҳайдаши, экин экиши ва охириги сатрдан олдинги қатордаги қофия оҳанги топишмоқ жавобини топиш имконини беради. Аммо қолган белгилар трактор учун муҳим эмас, айна дамда, белгиларни бериш тартиби бузилган. Бундан кўринадики, топишмоқ яратиш осон иш эмас. Негаки, ҳам бадиияти пишиқ, оҳанги равон шеър бўлиши зарур, ҳам топишмоқ жанри хусусиятларига эга бўлиши шарт. Адабий топишмоқ яратиш учун шоир истеъдодли, маҳоратли бўлиш билан бирга билимли, зукко бўлиши ҳам даркор.

Илс Муслимда ҳам адабий топишмоқлар бор. Уларнинг айримларида нарса белгилари аниқ, ихчам, тушунарли тарзда берилса, айримларида шеърхон иккиланиб қолади. Бундан кўринадики, шоир баъзи топишмоқларда белгилар ифодасида аниқликка эриша олмаган:

Кенг, ёп-ёруғ бинода  
Ўтиргандек кинода,  
Кўрамиз концерт, ўйин,  
Тинглаймиз “Баҳор” куйин,  
Кўшиқ айтар, турмас жим,  
Тезроқ ўйлаб топар ким?<sup>7</sup>

Топишмоқни ўқиган ўқувчи яширилган нарса радиои, телевизорми, иккаласими, дея иккиланиб қолади. Шоирнинг “Лайлак” шеърида “лайлак” сўзи ишлатилмай, қушнинг аниқ белгилари ҳақида фикр юритилади. Сарлавҳада номи берилмаса, бундай шеърлар адабий топишмоққа айланади-қўяди. Аслида ҳам улар адабий топишмоқ:

Ўзи ғалати, новча,  
Баланд жойга қўяр ин.  
Чўчита кўрманг пича,  
Тақиллатар тумшуғин.  
Келишар ҳар кўкламда  
Меҳмон бўлиб узоқдан.  
Хурсанд бўлиб ўлкадан  
Жўнашар кеч кузақда<sup>8</sup>.

Қизиги шундаки, ўзбек болалар шеърлятида топишмоқ сифатида берилмаган, нарса номи сарлавҳага айланган шеърлар анчагина. Масалан:

#### Эчки

Соқоли бор,  
Мўйлови йўқ.  
Кучат ғажир,  
Ўйлови йўқ<sup>9</sup>.

Эргаш Мажидовнинг “Дўл”, “Ўрик”, “Кулоқ” шеърларида ҳам “Эчки” шеърдаги каби маълум нарса белгилари келтирилган, аммо шеър

<sup>7</sup> Муслим И. Топишмоқлар // Кўрик. Шеърлар ва кичик поэма. Тошкент: Ёш гвардия, 1969. 51-бет.

<sup>8</sup> Ўша китоб. 20-бет.

<sup>9</sup> Бизнинг олам (Туплам). Тошкент: Ёш гвардия, 1988. 59-бет.

таркибида нарса номи учрамайди. Бундай шеърларни сарлавҳасиз тарзда топишмоқ сифатида бериш маъқул. Бундай шеърлар таниқли ўзбек болалар шоири Анвар Обиджон ижодида ҳам талайгина. Унинг “Буғдой”, “Пахта”, “Турп”, “Карам”, “Сабзи”, “Картошка”, “Пиёз”, “Кунгабоқар”, “Бодринг”, “Қандлавлaги”, “Тарвуз”, “Ёнгоқ”, “Узум”, “Майманчак”, “Нок”, “Шафтоли”, “Тилос”, “Анор” сингари шеърлари фикримизни далиллайди:

Мен тураман	Болакайлар
Букиб шох,	Чуғурлаб,
Камтаринман	Мени боғдан
Ва юмшоқ.	Ўғирлаб,
Шундан ҳамма	Қўйинларга
Ширин дер.	Уришар
Узиб олай	Сўнг қичиниб
Бирин дер.	Юришар <sup>10</sup> .

Шоир турли ўсимликлар ҳақида шеър битар экан, уларнинг табиий хусусиятлари, шифобахшлиги билан боғлиқ ҳаммага маълум белгилари, айти дамда, кўпчилик билмайдиган жиҳатлари ҳақида ҳам маҳорат билан ёзади. Топишмоқ болаларга аталгани учун шоир юморни ҳам унутмайди. Ўзбекона кулгини моҳирлик билан сатрларга сингдира олади. Муҳими, у ҳам таълим, ҳам тарбия бера оладиган шеърлар яратган. Аслида ҳам шундай: болаларга мўлжалланган ҳар бир асар, жумладан, адабий топишмоқлар ҳам таълим-тарбия бериши шарт:

Ҳар доначам	Хоналар тинч,
Бир аскар	Атроф жим.
Бир қалъада	Қалъачани
Минг лашкар.	Бузса ким,
Ётар улар	Бошланади
Панада –	Тўполон...
Оқ пардали	Уёғи
Хонада.	Сизга аён <sup>11</sup> .

Ўзбек шеърхони Алишер Навоийнинг “Анор” лўғзини, Увайсийнинг “Анор” чистонини асрлар давомида севиб ўқиб, ёд олиб келади. Анвар Обиджон “Анор” адабий топишмоғида улардаги бирор-бир жиҳатни такрорламаган. Устозлар анъанасига эргашиб, анорнинг хусусиятлари ҳақида маҳорат билан жумбоқ яратганки, шеър ўзбек адабий топишмоқчилигидан муносиб ўрин эгаллай олади.

Адабий топишмоқлар ҳақида устоз фольклоршунос олим О.Сафаров шундай ёзади: “Аёнки, шеърин топишмоқлар ҳажман ихчам, аниқ ва рамздорлиги билан характерлансалар-да, уларда биргина нарса ёки ҳодиса жумбоқланиши туфайли ғоят қисқа ҳажмга эга бўлади. Бироқ топишмоқ-шеър ҳам шаклан шундай хусусиятларга эга эса-да, аслида уларда бир қанча нарса ва ҳодисалар жумбоқланган бўлади ва улар яхлит бир тизим шаклига кирган мураккаб шеърин топишмоқ тусини олади. Шу боис уларнинг ҳажман қисқа ё чўзиқлиги шоирнинг иқтидорига ва ихтиёрига боғлиқ<sup>12</sup>.”

<sup>10</sup> О б и д ж о н А. Жуда қизиқ воқеа. Шеърлар ва эртақлар. Тошкент: Юлдузча, 1987. 15-бет.

<sup>11</sup> Ўша китоб. 17-бет.

<sup>12</sup> Сафаров О. Замонлар тонгининг чароқларисиз. Бухоро, 2003. 25-бет.

Адабий топишмоқлар ёш авлоднинг ўткир, зийрак, фаросатли, доно бўлишини таъминлайди. Улардаги тафаккурни шакллантиради. Мактабгача тарбия ҳамда бошланғич таълим ёшидаги болалар бундай топишмоқларни айтиб юрадилар ва ақлларини пешлайдилар. Аммо масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: адабий топишмоқларнинг бадиий, айтишда, топишмоқлик хусусиятлари ҳамisha ҳам халқ топишмоқлари даражасига етавермайди. Ўзбек халқ топишмоқлари билан беллашадиган ўзбек адабий топишмоқлари анчагина экани шоирларимизнинг ютуғидир. Ғ.Ғулом, П.Мўмин, А.Обиджон сингари шоирларнинг топишмоқлари адабий топишмоқлар сифатида ҳам, белги-хусусиятни яшириш маҳорати, бадиияти жиҳатидан ҳам эътирофга лойиқ.

**РЕЗЮМЕ.** Мақола ўзбек болалар шеърисидаги адабий топишмоқлар тадқиқига бағишланган. Қўйилган масала Ғ.Ғулом, П.Мўмин, И.Муслим, А.Обиджон топишмоқлари таҳлили мисолида ўрганилади.

**РЕЗЮМЕ.** Статья посвящается исследованию литературных загадок в узбекской детской поэзии. Поставленная задача изучается на примере загадок Ғ.Ғулама, П.Мумина, И.Муслима, А.Абиджана.

**RESUME.** The article is devoted to the study of literature puzzles in the Uzbek children's poetry. The problem is studied by the example of puzzles Ғ.Ғulam, P.Mumin, I.Muslim, A.Abidjan.

**Таянч сўз ва иборалар:** халқ топишмоғи, адабий топишмоқ, анъана, янгилик, маҳорат.

**Ключевые слова и выражения:** народные загадки, литературная загадка, традиция, новаторство, мастерство.

**Key words and word expressions:** folk puzzles, literary puzzle, tradition, innovation, skill.

## Дилфуза РАҲИМОВА

### ПОЭТИК ТИЛДА МУАЛЛИФ “МЕН”ИНИНГ АКС ЭТИШИ

Маълумки, бугунги ўзбек адабий тили қатъий меъёрга солиниб, қулай кўринишга келтирилган мезонлар асосида иш кўради. Гап бадиий асар тили ҳақида борганда бу мезонларни четлаб ўтиш қоллари кўзга ташланади. Ижодкор кечинмаларининг асл ҳолида моддийлаштирилиши шуни тақозо этади. Бу ҳақда Озод Шарафиддиновнинг “Оламнинг қалби” номли китобида шундай дейилади: “Бундай шеърят ҳамisha шоирнинг ноёб тили билан боғлиқ. Бу тил нафақат шоирнинг она тилидир, балки шоирнинг шахсий тили ҳамдир”<sup>1</sup>.

Ҳалима Худойбердиева шеърларининг поэтик тилини ўрганар эканмиз, адабиётшунос Д.Қуроновнинг “Адабиётшуносликка кириш” китобидаги қуйидаги жумлалар диққатимизни тортади: “Ёзувчи умумхалқ тилидан фойдаланар экан, умумодатланган нормадан оғади (яъни тил унсурларини одатдагидан ўзга шакл, маъно, тартиб, муносабат ва ш.к.ларда қўллайди) ва шу “оғиш”дан маълум бадиий-эстетик мақсадни кўзда туттади. Бу хил оғишлар тилнинг турли сатҳларида – фонетик, лексик, морфологик, семантик, синтактик сатҳларда кузатилиши мумкин”<sup>2</sup>. Шоира шеърларида

<sup>1</sup> Шарафиддинов О. Оламнинг қалби. Тошкент: Маънавият, 2014. 220-бет.

<sup>2</sup> Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент: Фан, 2007. 122-бет.